



Буражаб ТУРСУНОВА,

*Жиззах Политехника институти ахборот-ресурс
маркази булим мудури*

КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фан, таълим, техника ва технологияларнинг жадаллик билан тараққий этиши республикамизнинг глобаллашув жараёнлариغا мослашиб кетиши учун катта йўл очиб бермоқда.

Ижтимоий-маданий жараёнларда ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва узатиш имкониятлари нақадар ошиб кетганлиги охир-оқибатда жамиятнинг умумий тараққиёти омилига айланади. Шундай бир шароитда ахборот маданиятини эгаллаш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса ёшлар учун ўта муҳимдир.

XXI асрнинг бугунги кунлари ғоят мураккаблиги, таҳликалилиги, ўта қалтислиги билан ажралиб турибди. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов “Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолаш эканмиз, нотинчлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни белгилаб олганмиз,” – деган эди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда аҳолининг ҳар уч нафаридан бири, ёшларнинг эса 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернетга мурожаат қилишади. Мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, ахборотнинг ҳолис ва ҳаққонийлиги ҳар қачонгиданда кўпроқ аҳамиятга эга. Интернетнинг бир қанча ижобий жиҳатлари мавжуд, аммо ундаги

ҳар хил асоссиз хабарлар, миш-мишлар, “янгиликлар”, миллий минталитетга мос бўлмаган фикр-мулоҳазалар, динни нотўғри талқин қилиш, ёшларнинг маънавиятига, маърифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган айрим кимсалар турли йўллар билан ёшларнинг онгини захарлаб, манқуртга айлантиришмоқда. Натижада айрим йўлдан адашга ёшлар ўз Ватанига, юртдошларига, яқинларига, ота-онасига, ака-укасига қарши қурол кўтариш даражасига бормоқда.

Глобаллашув жараёнида ёш авлоднинг, ўсмирларнинг китоб ўқиш маданияти, қадрияти ҳам йўқолиб бормоқда. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев “Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган”, – деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш тўғрисида”ги қарори китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини яна бир янги босқичга кўтарганлиги ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Қарорнинг ибратли жиҳати шундан иборатки, унда китоб маҳсулотлари нашр этиш, тарқатиш, китоб мутолааси, китобхонлик маданиятининг бугунги кундаги ҳолати, мавжуд камчилик ва хатолар очиб берилган.


Китоб ўқимаслик – хавфли иллат. Ёшлар ўртасида бўш вақтларини бекорчи ишларга сарфлаётганлар, афсуски, кўп. Бугунги кунда мамла-

катимизда ёшларнинг китобхонлик савиясини, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича бир канча ишлар амалга оширилди.

Инсон билим ва дунёқарашининг кенгайишида, юксак ахлоқий фазилатларнинг тўлақонли шаклланишида китобнинг ўрни ниҳоятда катта. Китоб инсонларни меҳнатсеварликка, матонатли бўлишга, қобилиятини ўстиришга, фан ва маданият бойликларини эгаллашга, инсоният тарихини ва ҳозирги ҳаётни тушуниб олишга йўналтирувчи манбадир.

Шу маънода айтиш мумкинки, китоб – инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир. Китоб – қалбни тарбиялайди, онгу шуурни чархлаб, руҳни озиклантиради. Шу боис ҳам ҳамиша унга эҳтиёж бор.

Айниқса “Китоб ўқиган – Spark минади” акциясининг Республика бўйича босқичма-босқич ўт-



казилиши, ёшларимизни китобга бўлган қизиқишлари, уларни дунёқарашини, муомала маданиятини, ўзларининг билимларини ошириш учун жуда катта хизмат қилади. Бу акция ҳам Президентимизнинг ёшларимизни юртимиз равнақи, давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишида ўз хиссаларини кўшишида уларнинг баркамол инсонлар бўлиб етишишларида яқиндан ёрдам бериши, шу билан бирга ёшларга берилаётган катта эътибор, деб биламан. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотларнинг бош мақсади ҳам ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашдан иборат.

Ушбу ислохотларни республикада ҳаётга

татбиқ этишда ахборот-ресурс марказларининг ҳам ўрни бекиёсдир.

Мисол тариқасида, биргина бизнинг Жиззах политехника институтимиз ахборот-ресурс маркази ходимларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўзларининг ташаббускорлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишлари, таълим ва тарбия жараёнида китобхонларни ахборот-ресурс марказига жалб қилишда, уларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда алоҳида ўринга эгалликлари билан ажралиб туради.

Сўнгги йилларда институт ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан “Энг яхши китобхон”, “Китоб келин сарпоси беағи”, “Энг яхши маданиятли китобхон”, “Китоб маънавият бешиги” мавзуларида кўрик-танловлар, “Китоб тақдимотлари”, “Китоб муаллифи билан учрашув” мавзусида очик мулоқотлар ўтказилиб келинмоқда.

Олий ўқув юрти ахборот-ресурс марказининг мақсади ёшларни маънавий баркамол, ғоявий курашчан, миллат ва давлатнинг барқарорлиги ҳамда таракқиёти йўлида ўз кучини аямайдиган, миллий қадриятларни улуғлайдиган, маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган, ўзида фидоийлик ва дахлдорлик ҳиссини мужассамлаштирган инсонлар қилиб тарбиялашда китоб мутолаасига одатлантириш, китобхонлик маданиятини шакллантиришдан иборат.

Ахборот-ресурс марказимиз ўз олдига кўйган вазифаларни ҳал этишда вилоят ахборот-кутубхона маркази, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан, Республикадаги олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари, Алишер

Навоий номидаги Миллий кутубхона билан, қолаверса МХД ҳамда хорижий давлатлар олий ўқув юртлари кутубхоналари билан ҳамкорлик ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган.



Ёш авлодни китоб ўқишга ўргатиш, маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизнинг таъсирчанлигини китоб ўқиш орқали кучайтириш, оилаларда, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида тарбияланаётган ва таълим олаётган ёшлар орасида китоб мутолааси

ва китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Бунинг учун тўпланган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланган маскур услубий кўрсатмадан ота-оналар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, барча ташкилотлар ахборот-ресурс марказлари ва талабалар фойдаланишлари мумкин.

Услубий кўрсатма “Китоб мутолааси, китобхонлик маданияти” мавзуидаги алоҳида лойиҳа тарзида бўлиб, у Жиззах политехника институти илмий-услубий кенгашининг 2018 йил 27 апрелдаги № 10 мажлис қарори билан тасдиқланган. Лойиҳага доирасида ахборот-ресурс маркази қошида “ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН” клуби тузилган. Унинг фаолиятига лойиҳада белгиланган қуйидаги тадбирлар асос қилиб олинган:


1) Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчи жажжи болажонлар билан ҳар хил ўйинлар ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг тўртинчи банди талабини бажариш учун, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, йил давомида боғчаларда “Китоб ўқишни яхши кўраман”, “Эртақлар – яхшиликка етаклар”, “Мен одоблиман”, “Мен меҳрибонман”, “Мен ота-онамни яхши кўраман”, “Мен боғча опамни яхши кўраман”, “Боғчада менинг дўстларим кўп”, “Мен расм чизишни яхши кўраман”, “Мен рақсга тушишни яхши кўраман”, “Китоб менинг энг яқин дўстим” ва шу каби мазуларда расмлар ёрдамида ҳар хил қизиқарли ўйинлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.



2) Мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш.

Мактаб ўқувчилари билан уларнинг ёшига мос “Мен аълочиман”, “Меҳрибонман”, “Китобхонман”, “Яхши дўстман”, “Келажакда яхши касб эгаси бўлмоқчиман”, “Ўқитувчиларимдан миннатдорман”, “Ота-онамни яхши кўраман”, “Мен сени тушунаман” ва шу каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, қизиқарли ўтказиш тадбирлар ўтказиш.



3) Касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари билан семинарлар, дебат-мунозаралар ўтказиш.

“Саломинг бўлмаса”, “Ҳасад ўти”, “Меҳр-оқибатлилик нима?”, “Кийиниш маданияти ҳақида нималарни биласиз?”, “Билимга чанқоқман”, “Касб танлашда адашманг”, “Билими бор – хор бўлмайди”, “Китоб ҳаётим мазмуни”, “Мен сени тушунаман”, “Китоб тақдиротлари”, “Китоб муаллифи билан учрашувлар” ва шу каби мавзуларда тадбирлар, учрашувлар ўтказиш.



4) Маҳаллада истиқомат қилиб, бирор иш ёки ўқиш билан банд бўлмаган (уюшмаган) ёшлар билан учрашувлар ўтказиш

“Тадбиркорлик менинг орзуим”, “Менинг ҳам орзуларим бисёр”, “Бекорчилик инсонни мункиллатади”, “Менинг маҳаллам – менинг ватаним”, “Мен сени тушунаман”, “Китобхон оила”, “Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда” ва шу каби мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказиш.

5) Олий таълим муассасалари талабалари билан дебат-мунозаралар, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва илмий анжуманлар ўтказиш.

Институт талабалари билан “Энг яхши китобхон”, “Китоб келин сарпоси безаги”, “Турмушга чиқадиган қизларга китоб совға”, “Энг маданиятли китобхон”, “Китобдан яхши дўст бўлмас”, “Ҳаётим мазмуни – китоб” сингари мавзуларда кўрик- танловлар, давра суҳбатлари, мунозаралар ўтказиш яхши самара беради.

Ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш иши уларнинг гўдаклигидан бошланиб, то вояга етгунича босқичма-босқич давом этиши зарур. Китобга ҳавас руҳида улғайган бола китоб билан дўстлашиб кетса, билингки, бу дўстлик – абадий дўстликдир.